



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 29 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 20 (12.581)

Баҳоси эркин нарҳда

СПОРТ ВА СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ БОЛА ВА СОҒЛОМ ЖАМИЯТ АСОСИ

Президентимиз Ислам Каримов раислигида 28 январь куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари мазкур Жамғарма фаолият бошлаганидан буён ўтган йилларда эришилган ютуқлар, бу борада амалга оширилган кенг қўламли ишларнинг аҳамияти ва натижалари хусусида атрофлича фикр юритди.

— Ёшларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан мутаносиб ривожлантиришга қаратилган бу тизимнинг йўлга қўйилиши ҳар томонлама тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда, — деди Президентимиз. — Шаҳару қишлоқларимизда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда. Фарзандларимизнинг иродаси тобланмоқда, турмуш тарзи, дунёқараши ўзгармоқда.

«Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш дегандир». Президентимиз Ислам Каримов томонидан мустақиллигимизнинг илк йилларида айрилган бу сўзлар мамлакатимизнинг истиқболдаги бош мақсадини, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишини белгилаб берган. Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунларидан узоқ истиқболни кўзлаб, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт, деган эзгу ниятни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

Истиқлол йилларида бу олижаноб мақсад йўлида миқёси ва аҳамияти жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улгайиши учун барча зарур шароитлар яратилди.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, баркамол авлодни шакллантиришнинг ноёб тизими йўлга қўйилди. Болалар спорт таълим-тарбия соҳасининг узвий қисмига айланди.

2013 йилда болалар спорт объеклари, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари изчил давом эттирилди. 113 спорт иншооти ва сузиш ҳавзаси, 55 болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу объекларнинг 132 таси қишлоқ жойларда ишга туширилди. Бу мақсадлар учун 210 миллион 400 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Президентимиз спорт мажмуалари, мусиқа ва санъат мактабларини ҳар томонлама сифатли қуриш, бунинг учун ихтисослашган пудрат ташкилотларини кўпайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади.

Болалар спорт объекларини қуриш ҳеч қачон тўхтамайди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади. Азиз болаларимиз камол топадиган бу мажмуаларни шундай чиройли ва мустаҳкам этиб қурайликки, бу биздан ўзига хос бир эсдалик, уларга меҳримизнинг ифодаси бўлсин, деди давлатимиз раҳбари.

Барча спорт мажмуалари замонавий спорт инвентарлари ва малакали мураббийлар билан таъминланаётгани туфайли уларнинг қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Бугун мамлакатимизда 2 миллионга яқин бола спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Битта спорт иншоотидан ўртача кунлик фойдаланиш вақти 9,5 соатни ташкил этмоқда.

— Болалар учун барпо этиладиган ҳар бир иншоотни қалб қўримизни бағишлаб қуришимиз керак. У ерда шуғулланган болалар шундай имкониятлардан мамнун бўлиб, эзгу

мақсад ва интилишлар билан яшасин. Зеро, фарзандларимизни хурсанд қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун шароит яратиш бизнинг бурчимиз, — деди Президентимиз.

Болалар спорт объеклари асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозланмоқда. Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 116 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатимизда қизларни спортга жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар учун миллий менталитетимизга хос кийимлар ишлаб чиқарилмоқда, аёл мураббий ва ўқитувчиларни тайёрлашга кенг ўрин берилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида ўқувчи қизларга спорт кийимлари топширилмоқда. Бу қизлар ўртасида спортнинг янада оммалаштириш, уларнинг соғлом, бакувват ва дуркун бўлиб улгайишида муҳим омил бўлмоқда. Бугун юртимизда 842 минг нафарга яқин қизлар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Давлатимиз раҳбари қизларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенгроқ жалб қилиш зарурлигини, бунинг учун маҳалла ва хотин-қизлар кўмиталарининг фаоллигини ошириш, оилалар билан доимий ишлашни янада кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Оила қачон бахтли бўлади? Аёл бахтли бўлса! Аёл қачон бахтли бўлади? Фарзандлари соғ-саломат бўлса! Бунинг учун оилада соғлом муҳит шаклланиши, аввало, ота-она спорт билан шуғулланиши керак, деди Ислам Каримов.

Фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб улгайишида жойларда ташкил этиладиган турли спорт мусобақалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшлар орасида спортга қизиқиш, соғлом бўлишга интилиш кучайиб бормоқда.

Уч босқичли спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари ёшларни спортга кенг жалб этиш, профессионал спортчиларни тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда.

2013 йилда ҳам мамлакатимиз спортида улкан муваффақиятларга эришилди. Пойтахтимизда ўсмирлар ва қизлар ўртасида оғир атлетика бўйича IV жаҳон чемпионати, дзюдо бўйича Гран-при туркумидаги халқаро мусобақа, бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати юсак савияда ўтказилди.

Олти ёшли шахматчимиз Исламбек Синдоров Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида учта олтин медални қўлга киритди. Нафиса Мўминова ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонига эга бўлиб қолди.

Оғир атлетикачи Руслан Нурудинов Польшада ўтказилган жаҳон чемпионатида, дзюдочимиз Яҳё Имомов Францияда ўтган «Катта дубулға» туркумидаги халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллади.

Президентимизнинг 2013 йил 3 декабрдаги Фармониға мувофиқ Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга салмоқли ҳисса қўшган бир гуруҳ истеъдодли ёшлар давлатимизнинг юсак мукофотлари билан тақдирланиши мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Бу йил «Баркамол авлод» мусобақаларининг финал босқичи Наманган вилоятида ўтказилди. Шу муносабат билан бу ерда бир қатор янги спорт мажмуалари қурилмоқда, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилинган жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини ва аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади.

— 2014 йилни мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилдик. Бу масалага янги қарашни, масъулиятни янада оширишни талаб этади. Бу ҳақда сўз борганда, халқимиз қалбидан чуқур жой олган, эзгу даъватга айланган бораётган бир широри эслаш ўринли, деб биламан. Яъни, соғлом бола — аввало соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Спорт ана шундай оилаларни шакллантирадиган энг яхши воситалардан биридир. Спорт билан шуғулланган йигит-қизлар соғлом ва бакувват, фикри тиниқ бўлади. Келгусида фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялайди. Бундай оилалар кўпайса, бутун жамиятимизнинг соғлом муҳити янада мустаҳкамланади, — деди Президентимиз.

Мажлисда Ҳомийлик кенгашининг 2013 йил 15 март куни бўлиб ўтган йиғилишида белгиланган вазифаларнинг ижроси атрофлича таҳлил этилди. Спорт иншоотлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни зарур спорт анжомлари ва инвентарлари билан жиҳозлаш, спорт мажмуаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, малакали мураббийлар, айниқса, аёл спорт устозларини тайёрлаш бўйича амалга оширилган ишларга эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, қизларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган спорт анжомларининг турини кенгайтириш ва сифатини янада яхшилаш, шу соҳада фаолият олиб бораётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига доимий эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда 2014 йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўриб чиқилди. 115 спорт объекти ва 48 болалар мусиқа ва санъат мактабини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, уларни зарур анжом ва ускуналар билан таъминлаш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди. Бу борада йўл қўйилаётган айрим камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш зарурлиги таъкидланди.

2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларига тайёргарлик ишлари ҳам кўриб чиқилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бугун бошқаларнинг ҳавасини тартаётган ташкилотга айлангани барчамизга мамнуният бағишлайди. Бу ҳаракат самараларидан баҳраманд бўлаётган болалар ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етмоқда. Бу халқимиз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмагани, ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигининг яна бир ҳаётий тасдиғидир, деди пировардида Президентимиз.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.Азимов, Бош вазир ўринбосарлари Э.Боситхонова, Б.Зокиров, А.Икромов, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси президенти М.Усмонов, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ахбороти тингланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА муҳбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида телекоммуникация тармоқлари учун қулай конвергент платформаси мавзусида семинар ўтказилди.

● Жиззах педагогика касб-хунар коллежида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Муҳаммад Юсуф таваллудига бағишланган адабий кечалар, маънавий-маърифий тадбирлар вилоятдаги бошқа таълим муассасалари, маҳаллаларда ҳам ўтказилмоқда.

● Кўнғиротлик тадбиркор Ойгул Юсупова «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси Кўнғирот тумани филиалидан олган 45 миллион сўмлик кредит ҳисобига хориждан 19 дона замонавий тикув машинаси келтириб, ўзи етакчилик қилаётган «Айнур фаришта» кўп тармоқли хусусий корхонасида йигирмага яқин кўшимча иш ўрни яратди.

● Бухоро туманида узум концентрати тайёрлашга ихтисослашган «Бухара-Хамрия» кўшма корхонаси ишга туширилди. Ушбу янги лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш учун хорижий инвесторлар томонидан 165 минг АҚШ долларилек сармоя киритилди. Ҳозир бу ерда асосан экспортга мўлжалланган маҳсулот тайёрланмоқда.

ЖАҲОНДА

● 2013 йилда дунё бўйича 1 миллиард дондан кўп смартфон сотилган. Бу аввалги йилдагига нисбатан 38,4 фоиз кўпдир. Эришилган натижалар бўйича Жанубий Кореянинг «Samsung» компанияси рақобатчиларидан анча ўзиб кетган. Ундан кейинги ўринларни «Apple» (АҚШ), «Huawei» (Хитой) ва «LG» (Жанубий Корея) компаниялари эгаллади. Смартфонлар савдоси юришишига уларнинг экранлари янада катталаштирилгани ҳамда нархларнинг арзонлаштирилгани сабаб бўлган.

● «Deloitte» халқаро аудиторлик компанияси дунёнинг энг бой футбол клублари рўйхатини тузиб чикди. Унда 2013 йилда 518,9 миллион евро фойда кўрган Испаниянинг «Реал» жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Испаниянинг яна бир жамоаси — «Барселона» «Реал»дан 36,3 миллион евро камроқ фойда кўрди ва рўйхатнинг иккинчи поғонасидан ўрин олди. 1996-97 ва 2003-2004 йилларда энг бой клублар рўйхатини бошқарган «Манчестер Юнайтед» (Англия) бу гал кучли учликдан тушиб кетди. Унинг ўрнини чемпионлар лигаси голиби «Бавария» (Германия) клуби эгаллади.

● Кеча Тинч океани ҳудудида назорат ишларини олиб бораётган АҚШнинг учувчисиз бошқариладиган самолёти техник носозлик юзага келганлиги сабабли океанга қулаб тушди.

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ МУТАХАССИСЛАРИ УЧУН СЕМИНАР

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази филиалида компания мутахассислари учун ўқув семинари ўтказилди.

Семинар Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан NEC (Япония) корпорацияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази филиали директорининг ўринбосари Н.Мирзаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ахборот технологиялари ва телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, бу борада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 июнда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастурида ахборот ресурс-

лари ва тармоқларини, «электрон ҳукумат» тизимини жадал ривожлантириш, давлат бошқарувининг барча соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, телекоммуникация тармоқларини такомиллаштириш юзасидан муҳим вазифалар кўзда тутилган.

Барча соҳалар, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳам Ўзбекистон билан Япония ҳамкорлиги жадал ривожланиб бормоқда. 2014 йил 15 январда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Япония Ички ишлар ва коммуникациялар вазирлиги ўртасида имзоланган Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум икки мамлакатнинг бу борадаги ҳамкорлик қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилаётди.

Бунда Япониянинг NEC корпорацияси муҳим ўрин тутмоқда. Корпорация билан ҳамкорлик телекоммуникация тармоқларини рақамлаштириш, рақамли телевидение ва рақамли телекўрсатувлар технологияларини ривожлантиришга ёрдам бермоқда. NEC корпорацияси билан биргаликда Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари мутахассислари учун ўқув семинарлари ва тренинглар ўтказилмоқда.

Мазкур семинар NEC корпорациясининг янги технологик ишланмаси – телекоммуникация операторларининг транспорт тармоқлари учун мўлжалланган радиорелели iPasolink ускунаси тақдимидаги бағишланди. Корпорация вакиллари ушбу янги технологиянинг афзалликлари ҳақида сўзлаб берди. Семинар он-лайн режимида ташкил этилгани боис унда «Ўзбектелеком»нинг барча ҳудудий бўлиmlаридан 150 нафардан зиёд мутахассис иштирок этди.

– Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари алоҳида эътибор қаратилаётгани ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш имконини бераётди, – дейди NEC корпорациясининг симсиз мобил технологиялари департаменти раҳбарининг ўринбосари М.Хирамура. – Бунинг самарасида корпорациямиз «Ўзбектелеком» билан ҳамкорликда Ўзбекистонда телекоммуникация тармоқларини модернизация қилиш бўйича қатор юқори технологияли лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА муҳбири

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Банклар ассоциацияси ҳамкорлигида аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича тижорат банклари ўртасида танлов ўтказилган. 2013 йилги танлов ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажонов, Олий Мажлис Сенатининг Бюджети ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси А.Алтиев, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси раиси С.Абдуллаевлар иштирок этиб, энг яхши тижорат банкларини қўлаб, келгуси фаолиятларида омад тилашди.



«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ»: ЮКСАК МАРРАЛАР, САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАР

Тошкентда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг истиқлол йилларида эришган ютуқлари, 2013 йилги фаолияти натижалари ва истиқболдаги вазифаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎЗА.

ФАОЛ БАНКЛАР САРАЛАНДИ

Айтиш кераки, мазкур танлов аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилишда тижорат банкларини рағбатлантириш ва улар фаолиятини кучайтириш, банкларнинг инвестицион имкониятларини янада кенгайтириш учун ресурс базаларини мустаҳкамлаш, омонатларни жалб этишда илгор тажрибани кенг жорий этиш мақсадида ўтказилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 31 октябрда қабул қилинган «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги Қарори молия муассасаларини янада ривожлантириш, аҳолининг бўш пул маблағларини депозитларга жалб этишда банклар учун кучли рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда, – дейди қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши жамғарма махсус кассаси номинациясида иштирок этган «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қоровулбозор филиали 9-сонли жамғарма кассири Гулнора Сафарова. – Таъкидлаш жоизки, омонатлар мижозлардан чекловларсиз қабул қилинади ва миқдоридан қатъи назар, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисоб-варақларидаги омонатларига тўлиқ ҳақда маблағлар тўланиши кафолатланади. Бу йилги танловда 28 тижорат банки ва уларнинг 837 филиали ҳамда жойлардаги 4 мингдан зиёд мини-банк ва махсус кассалар иштирок этди ва биз ҳам ғолиблар сафидан ўрин олдик.

Шу тариқа Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий Банки «Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки», дея эътироф этилди. «Ориент Финанс» банки амалиёт бошқармаси шахарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш, «Алоқабанк»нинг Навоий филиали қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш, «Ўзсаноатқурилишбанк» Қирғули филиали пластик карточкалар асосида иш ҳақи лойиҳаларини амалиётга жорий этиш борасидаги ютуқлари учун танлов ғолиби, деб топилди. «Халқ банки»нинг Шайхонтоҳур филиалига қарашли «Камолон» мини-банки «Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши мини-банки», «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қашқадарё минтақавий филиали «Китоб» мини-банки «Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши мини-банки», «Халқ банки»нинг Чирчиқ филиали ва «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қоровулбозор филиали «Йилнинг энг яхши жамғарма-махсус ғазнаси» номинациялари бўйича ғолиб қилди ва улар қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

2013 йилда тижорат банкларидаги аҳоли омонатларининг ҳажми 2012 йилга нисбатан 30,3 фоизга ошди. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банклари, уларнинг жойлардаги филиаллари миллий ва чет эл валютасида чекланмаган миқдорда ва муддатларда икки юз эллиқдан ортқ омонат турини аҳолига тақдим этмоқда. Бу эса ўз навбатида банклар мижозларига қўлаб қулайликлар яратилаётганидан далолат беради.

Равшан ЮСУОВ

Айни пайтда дунёда турли даражадаги 1300 дан зиёд давлат ва хусусий авиакомпания мавжуд бўлиб, улар ҳар йили бир миллиард нафардан ортқ йўловчига хизмат кўрсатмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг фармониغا биноан 1992 йил 28 январда ташкил этилган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳам улар орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Мустақил тараққиётимизнинг 22 йили давомида миллий авиакомпаниямиз жаҳон авиабозоридagi кескин рақобат шароитида йўловчиларга хавфсиз ва қулай хизмат кўрсатадиган барқарор, жадал ривожланиб бораётган авиаташувчи эканини исботлади.

Бугунги кунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётлари Осиё, Америка ва Европанинг қирқдан зиёд шаҳрига парвоз қилмоқда. Ушбу мамлакатларга саёҳатга бораётган юртдошларимиз ўша ўлкалардаги аэропортларда Ўзбекистон давлат рамизи ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси белгиси туширилган замонавий самолётларни кўрганда, албатта, қалби фахр-ифтихорга тўлади.

Матбуот анжуманида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори В.Тян 2013 йилда авиакомпания томонидан 24,5 мингта рейс амалга оширилди, 2,6 миллион нафардан ортқ йўловчи ва 41 минг тонна юк ташилганини маълум қилди. У компания эришган ва эришаётган муваффақиятлар технология паркни модернизация қилиш, Фарбда ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган лайнерларга техник хизмат кўрсатиш базасини ривожлантириш, ерусти инфратузилмасини такомиллаштириш, ҳаво ҳаракатини бошқариш тизимини ислох этиш, юқори маалаки кадрлар тайёрлаш бўйича базани шакллантиришга қаратилган аниқ мақсадли ҳамда серқирра фаолият самараси эканини таъкидлади.

Компания авиопарки замонавий лайнерлар билан босқичма-босқич янгилаб боришмоқда. Сўнгги уч йилда авиакомпания паркни Европада ишлаб чиқарилган ўнта «Airbus A-320» ва Америкада ишлаб чиқарилган тўртта «Boeing 767-300-ER» самолётлари билан тўлдирди. Хорижий мамлакатларга парвозларнинг деярли барчаси, шунингдек, икки авиопарвозларнинг бир қисми шу самолётлар ҳиссасига тўри келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2016 йилда юксак даражадаги қулайликларга эга икита «Boeing 787 Dreamliner» самолёти келтирилиши кўзда тутилмоқда. Бу лайнерлар мамлакатимиз авиаташиш

бозорини ривожлантириш тарихида янги саҳифа очиб беради. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси мутахассисларининг маълум қилишича, айни пайтда ушбу самолётларни ишлаб чиқарадиган завод вакиллари билан уларни махсус учуш, муҳандислик-техник ва сервис ускуналар билан жиҳозлаш бўйича маслаҳатлар олиб боришмоқда.

Маълумки, янги русумдаги самолётлардан фойдаланиш ерусти техника базасини янгилаш, хусусан, аэропортлардан инфратузилмасини такомиллаштиришни талаб этади. Мамлакатимиз аэропортларида парвозлар сифати ва хавфсизлигини, йўловчилар ва авиация техникасига хизмат кўрсатиш даражасини ошириш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Уч-чўкиш йўлакларни реконструкция қилинди, аэровокзал комплексларининг ташқи қўриқини деярли тўлиқ янгиланди, йўловчи терминаллари сони кўпайтирилди, хизмат кўрсатиш технологияси яхшиланди.

Пойтахтимиздаги «Тошкент» халқаро аэропорти ҳақи равишда Марказий Осиёдаги энг йирик аэропорт ҳисобланади. Бу ерда бир неча йил аввал маҳаллий ҳаво линияларида бир соатда 400 йўловчига хизмат кўрсатадиган янги аэровокзал барпо этилди. Халқаро авиаташишлар терминалида авиайўловчилар учун янги ва шинам блок фойдаланишга топширилди. Овқатланиш хонаси, юқори даражада қулайликларга эга бизнес-зал, она ва бола хонаси, тиббиёт пункти, «Duty-free» дўкони, беш вақтни мароқли ўтказиш учун бепул Wi-Fi компьютер зали йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида аэропортнинг VIP ва SIP залларини капитал таъмирлаш кўзда тутилмоқда.

«Навоий» ва «Бухоро» аэропортларида бир неча йилдан буён барча қулайликларга эга ва юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланган янги йўловчи терминаллари самарали фаолият кўрсатмоқда. «Урганч» ва «Фарғона» аэровокзалларида реконструкция ишлари жадал давом этаётди. «Навоий» аэропорти базасидаги Интермодаль логистика марказининг ишлаб чиқариш қуввати оширилмоқда. Бу ерда ўтган йили 25 минг тонна юк ташилди.

Матбуот анжуманида аэропортлар инфратузилмасини ривожлантиришга оид амалга оширилган ушбу чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиздаги 12 аэропортга халқаро макром берилгани таъкидланди.

Парвозлар хавфсизлиги ва мураккаб авиация техникасидан фойдаланишга

Ҳамза тумани ҳоқимининг ҚАРОРИ ҲАМЗА ТУМАНИДА 2014 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ- УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида»ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2013 йил 2 апрелдаги буйруғи билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор паркларини, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2014 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор паркларини, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан кейинги матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўриқдан ўтказиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ҳамза туманида 2014 йилда мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор паркларини, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин;
2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (комиссия раиси) М.Каримкуловага:
 - техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан кейинги матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш;
 - мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситалари, машина, асбоб-ускуналарни йиллик техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибининг юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;
 - мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўриқдан ўтказиш майдончаларига йиғиш;
 - техник кўриқдан ўтган техникаларга далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;
 - техник кўриқдан ўтмаган ёки техник кўриққа тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўриқдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;
 - техникани қайта кўриқдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмаслик;
 - мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўриқдан ўтказмаган ҳолда туман ҳоқимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.
3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техниканинг ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўриқдан ўтказилиши белгилансин.
4. Мулкдорларга:
 - билдиришномани олгандан сўнг техник кўриқ ўтказилишидан камида беш кун олдин техник кўриқдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;
 - техник кўриқдан ўтказиш учун белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.
5. «Давтехназорат» инспекцияси (С.Ҳайтов):
 - ташкilotлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.
6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қучга қиради.
7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳоқимининг биринчи ўринбосари Ф.Мақсудходжаев зиммасига юклансин.

**Туман ҳоқими
Ф.ҲАКИМОВ**

2014 йил 10 январь
Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳоқимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Сардор ТОҶИБЕВ

ИСЛОҲОТЛАР ВА МЕДИА ТИЗИМ РАВНАҚИ

Пойтахтимизда давлат томонидан оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашда амалга оширилаётган ислохотлар мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ўтказилган тадбирда депутатлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, босма ва интернет нашрларининг журналистлари, олий ўқув юрларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори А.Тўраев, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Фуломов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий журналистика соҳасини изчил равақ топтириш, оммавий ахборот воситаларининг таъсирчанлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қўллаб қонун ҳужжатлари медиа соҳани янада эркинлаштириш, унинг жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. 1991 йилда мамлакатимизда 395 оммавий ахборот воситаси фаолият юритган бўлса, бугунги кунда улар 1372 тани ташкил этади. Уларнинг олти миш физика яқини нодавлат оммавий ахборот воситаларидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ахборот соҳасини ислохот этиш, унинг тараққиёт стратегиясини белгилаб беришда янги босқич бўлди. Медиа тизимини равақ топтиришда оид қилди қонунчиликнинг тобора такомиллашиб бораётгани оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароит ва омиллар яратиш,

шу аснода медиа тузилмаларнинг мустақиллигини таъминлаш, ахборот соҳасини янада мустақамлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоат назоратини ўрнатишда уларнинг ролини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларда тахририятларнинг моддий-техника базасини янада мустақамлаш, журналист кадрларнинг меҳнатини рағбатлантириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, касб малакаси ва маҳоратини ошириш, иқтисослашувига яқиндан кўмаклашиш масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситаларини ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ўтказилаётган ўттизга яқин ижодий лойиҳалар, танловлар ҳам ушбу мақсадга хизмат қилмоқда. Фонд томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Жамият ва мен – 2013» танлови мамлакатимиздаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари, шунингдек, журналистика йўналишида тахсил олаётган талабалар ўртасида ўтказилди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнининг босма ва интернет нашрларда кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш мақсадида ўтказилган ушбу танловга 100 нафардан ортиқ соҳа вакилининг 2 мингдан зиёд ижодий иши тақдим этилди. Улар орасидан энг муносиблари танлов голиби деб эълон қилинди.

Тадбир якунида танлов голибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги «Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жойларда турли хил тадбирлар ўтказилмоқда.

2014 йил — Соғлом бола йили

ОИЛА-МАҲАЛЛА-ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ҲАМКОРЛИГИ

Жумладан, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси хузуридаги «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги ҳудудий жамоат Кенгаши ҳам шу йўналишда самарали фаолият олиб бормоқда.

Кеча Республика Болалар кутубхонасида ушбу жамоат Кенгаши томонидан ўқув-амалий семинар уюштирилди.

«Оила-маҳалла-таълим муассасаси» мавзусидаги ушбу тадбирда ёш авлод тарбияси билан шуғулланган инсонлар, яъни, ота-оналар, маҳаллада қўниқўшни ва кенг жамоатчилик, таълим муассасасида ўқитувчи ва мураббийлар келгуси авлод баркамоллиги йўлида фарзандларимизнинг улуғ аждодларимизга муносиб бўлишлари учун масъулиги, ушбу шарафли ва масъулиятли ишларни амалга оширишда ўзаро ҳамбарчас боғлиқ уч омил — оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигини янада кучайтириш лозимлиги хусусида сўз борди.

Унда шаҳар «Оила» маркази раиси Г.Йўлчиева «Оила-маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлигини янада кучайтиришда оила тарбиясининг ўрни», Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори Д.Кенжаев «Ёшлар онгида оила-маҳалла-таълим муассасалари ҳамкорлиги тушунчасини шакллантириш — давр талаби», шаҳар бош имом хатиби А.Турсунов «Баркамол авлодни тарбиялашда руҳий-маъна-

вий тарбиянинг аҳамияти» мавзусидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича мажмуа котибият мудир А.Шоҳаджаевнинг маърузаси «Оила-маҳалла-таълим муассасалари ҳамкорлигини янада кучайтиришда хотин-қизлар кўмиталарининг устувор вазифалари» мавзусига бағишланган бўлса, шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ХООБ бўлим бошлиғи Ф.Суяров уч муҳим омилини янада кучайтиришда ҳуқуқ-тартибот идораларининг долзарб вазифалари хусусида фикр юритди.

— Бугунги ўқув-семинарни ўтказишдан мақсад оила-маҳалла-таълим муассасалари ҳамкорлигини янада кучайтиришда мутасадди давлат ва нодавлат идора ва ташкилотларнинг устувор вазифалари, 2014 йилда жамоат Кенгаши томонидан амалга оширилиши лозим бўлган муҳим амалий ишларни маслаҳатлашиб олиш, ўтган вақтда йўл қўйилган хато ва камчиликлари баргараф этиш йўллариини излаб топиш, шаҳримизда ёш авлод таълим-тарбиясида ҳамкорлик ишларини янги босқичга кўтаришдан иборатдир, — дейди шаҳар «Оила» маркази раиси Г.Йўлчиева.

Ўқув-амалий семинар баҳс-мунозара, таклифларга бой ҳолда мазмунли ўтди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Тошкент меҳмонхона хўжалиги ва сервис касб-хунар коллежиди Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан жамиятимизда маънавий муҳитни барқарорлаштириш ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда маҳалла, тиббиёт ва таълим муассасалари ҳамкорлигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари, тиббиёт, таълим муассасалари вакиллари, маҳалла фаоллари, ўқувчи-ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларни жисмонан соғлом ва маънан етук инсонлар этиб тарбиялаш, уларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш ва ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етиши учун зарур шароит яратишга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2014 йилнинг мамлакатимизда Соғлом бола йили, деб эълон қилиниши бо борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш ва ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида соғлом болани вояга етказишда жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилди. Бу чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш давлат ташкилотлари билан бир қаторда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди.

Мазкур жамоат ташкилоти томонидан бугунги кунда ушбу йўналишдаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, маҳалла, таълим, бирламчи тиббиёт муассасалари ҳамкорлигидида саломатлик, таълим-тарбия, бандлик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тошкент меҳмонхона хўжалиги ва сервис касб-хунар коллежиди беш йўналишда бир минг уч юз нафарга яқин ўқувчи тахсил олмақда. Бу ерда ёшларга жаҳон андозалари даражасида таълим-тарбия бериш учун барча шароит яратилган. Бир юз ўттиздан зиёд қорхона, ташкилот ва муассаса билан «коллек-қорхона» ҳамкорлиги асосида алоқалар йўлга қўйилган. Бунинг самарасида 2013 йилда коллежни битирган ёшларнинг барчаси муқим иш ўрни билан таъминланди.

Коллеж ўқувчилари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва йигит-қизларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Новза, Олим Ҳўжаев номидаги маҳаллалар, 46-оилавий поликлиника билан ҳамкорлик ўз самараларини бераётди. Таълим масканида ташкил этилган «Ораста қизлар» тўғрагида ишфокорлар, маҳалла фаоллари иштирокида турли мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ўтказилаётди. Бундай тадбирлар ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар онгида соғлом турмуш тарзи тушунчаларини сингдириш ҳамда ўз саломатлигига масъулиятни оширишга хизмат қилмоқда.

Тадбирда ёшлар таълим-тарбиясида оид ўзаро ҳамкорлик натижалари таҳлил этилди, мавжуд муаммоларни ҳал этиш, ёшлар камолотига йўналтирилган лойиҳалар қўламини янада кенгайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. «Ораста қизлар» тўғрагида аъзоларининг «Бир болага етти маҳалла ота-она», «Оила қуришда тиббий кўриқнинг аҳамияти», «Эрта никоҳнинг салбий оқибатлари» каби мавзуларда саҳна кўринишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири**

Тадбирлар

ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги Юртбошимиз маърузаси мазмун-моҳиятини ўқувчи-ёшлар онгига сингдириш, ёшларни оилага тайёрлаш мақсадида Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими томонидан туман ФХД, хотин-қизлар кўмитаси, тиббиёт бирлашмаси, Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти, туман «Оила маркази» билан ҳамкорликда Юнусобод дизайн касб-хунар коллежиди ёш оила қурувчилар мактабининг «Оила жамият таянчи» курсининг ўқув-семинари ўтказилди.

Унда Юнусобод дизайн коллежи, Тошкент молия академик лицейи, ТИМИ қошидаги академик лицей, радиотехника коллежи, Тошкент иқтисодий коллежи, ТАТУ академик лицейи ўқувчилари қатнашди.

Семинарда Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими раҳбари Нигора Абдурахимова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлатимиз Асосий Қонуни қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди. «Оила»кодекси, Никоҳ тузиш хусусидаги қонун-қоидалар юзасидан Юнусобод тумани ФХД бўлими мудир М.Мирбабаева атрофлиқа фикр юритди. «ОИТС ва жинсий йўл билан ўқадиган касалликларнинг салбий оқибатлари ҳақида» мавзуси бўйича туман тиббиёт бирлашмаси ходими, тиббиёт фанлари номзоди Н.Шайхова маълумот берди. Бундан ташқари тадбир давомида Тошкент шаҳар Адлия бошқармасидан А.Бердиев, олима Д.Фуломова, «Оила» маркази вакили А.Камоловаларнинг қизиқарли маърузалари тингланди, савол-жавоблар, баҳс ва мунозаралар ўтказилди.

(Ўз мухбиримиз)



Владимир Гранкин олган сурат

Тараққиёт омиллари

ФАНЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ВОСИТА

Маълумки, охириги йилларда фан ва техниканинг ривожланиши ҳосилавий фанлар сонининг кўпайишига, ахборотлар ҳажмининг кескин ошишига олиб келмоқда. Бинобарин, интегратив материалларни танлашда қуйидаги дидактик мезонларга таянилади.

Математикани ўқитишда танланган интегратив билимлар мавзуга мос бўлиши, унинг моҳиятини, хусусиятларини аниқ, кенг қамраши; танланган интегратив билимлар ўқувчиларда ўрганилаётган объекти бўйича ҳар томонлама излашга имкон бериши ва бу билан ўқувчиларда илмий дунёқарашни, оламнинг яхлитлигини англашни, фан асосларига қизиқишларини шакллантириши; танланган интегратив материаллар ҳар бир мавзу учун ўзига хос хусусиятга эга бўлиши лозим.

Айтиш керакки, интеграция — мужассамлаштириш, яхлитлаш маъносини бериб, у ўқувчиларнинг фанлардан олган билимларини умумлаштириш асосида, ҳодиса ва жараёнларни яхлит ҳолда тушунишга, илмий дунёқарашни кен-

унинг фаннинг турли соҳаларига татбиқ этилишидадир. Ҳар бир фан тараққиётининг муайян босқичида математик методларга мурожаат қилиш зарурати вужудга келади, мазкур фан уларни қўллаш натижасида мукамалликка эришади. Муайян воқеликнинг миқдорий томонларини ўрганиш унинг сифат томонлари ва моҳиятини очишга имкон яратади. Борлиқдаги ҳодиса ҳамда жараёнларни тўла ўрганиш учун уларнинг сифат ва миқдорий томонларини биргаликда таҳлил этиш зарур. Бунда воқелик, ҳодисанинг мазмунидан четлашиб ўтиб, уни математик тилда ифода этиш, унинг сифатини йўқотиш эмас, балки мазмунан чуқур ўрганиш тақозо қилинади.

Фанларни интеграция этиш, янги сунъий синтетик билимларни шакллантириш фанларнинг тараққиёт этишида етакчи тенденция сифатида эмас, балки унинг тараққиёт этишининг зарур қонунияти тарзида юзага чиқади.

**Нафосат РАҲМОНОВА,
Тошкент банк коллежи математика ўқитувчиси**



Болалар спорти

ЁШ ШАХМАТЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Пойтахтимизда 8, 10 ёшли ва 16 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилмоқда.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб вояга етказишнинг муҳим воситаси — болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор самарасида улар орасидан янги-янги чемпионлар етишиб чиқмоқда.

Ушбу чемпионат голиб ва совриндорларига жорий мавсумда жаҳон ва қитъа миқёсидаги мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқининг берилиши ва иштирокчилар орасида халқаро мусобақаларда маҳорат кўрсатган истеъдодли шахматчиларнинг кўплиги бахсларнинг кескин ва мурасасиз ўтишини таъминламоқда.

Бу йил 8 ёшгача ўғил-қизлар ўртасидаги чемпионат илк маротаба ташкил этилмоқда. Ўғил болалар мусобақасида мухлис мутахассисларнинг ақсариетини Осиё чемпиони, пойтахтлик Ислонбек Синдороннинг ўйини қизиқтираётгани табиий.

10 ёшли ўғил болалар баҳсида олтин медалга пойтахт вакиллари — жаҳон чемпиони Нодирбек Абдусатторов ва мактаб ўқувчилари ўртасида Осиё чемпиони Жаваҳир Синдорон асосий даввогарлардан бўлиб турибди.

16 ёшгача ўсмирлар мусобақасида пойтахтлик Ортик Нейматов, Саидқабар Сайдалиев, фарғоналик Иброҳим Эминов, Асилбек Собиров, бухоролик Нодир Шокиров дастлабки икки ўйинда ғалаба қозонди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎЗА муҳбири

Спорт янгиликлари

ҲАКАМЛАРИМИЗГА ЮКСАК ИШОНЧ

Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА жорий йилги халқаро мусобақаларда қатнашиши тасдиқ бўлган ҳакамлар рўйхатини тасдиқлади.

Унга кўра 16 нафар ўзбекистонлик ФИФА реферилари ва лансменлари футбол, футзал, аёллар ҳамда сохил (пляж) футбол мусобақаларида ҳакамлик қилишади.

Жорий йилги футбол мавсумида профессионал футбол лигаси, биринчи лига жамоалари ўртасидаги Ўзбекистон чемпионати ва Кубога бахсларининг юқори даражада ўтиши кўп жиҳатдан ҳакамлар ҳамда назоратчиларга боғлиқ.

МАЛАКА ИМТИҲОНЛАРИДАН ЎТИШАДИ

Шу боис ҳам ҳар йили Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан мамлакатимиз реферилари ва назоратчиларининг малакасини ошириш, уларни учрашувларга жиддий тайёрлаш мақсадида имтиҳон ўтказиш оdat тусини олган.

Жорий йилнинг 20 январидан 22 февралгача қадар ўтказилаётган имтиҳонларда 30 нафардан ортиқ реферилар ва назоратчилар иштирок этишмоқда.

МУСОБАҚАЛАР БОШЛАНДИ

«Ёшлик» спорт мажмуасида аёллар ўртасида мини-футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бошланди.

Ўзинчи маротаба уюштирилаётган ушбу беллашуларда мини-футбол бўйича мамлакатимиздаги энг маҳоратли жамоалар вакиллари голиблик учун беллашишмоқда.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Республикада тамаки маҳсулотларига акциз маркарларини қўллаш шу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, импорт қилиш, сақлаш, ташиш ва сотиш устидан давлат назоратини ўрнатиш, шунингдек, акциз солиғини тўлиқ йиғиб олиш, мазкур товарларнинг яширин тарзда ишлаб чиқарилишининг ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу мақсадда, 1996 йилнинг 1 октябидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб келинаётган тамаки маҳсулотларини белгиланган намунадаги акциз маркарлари билан мажбурий маркарлаш тартиби жорий этилган.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси «Келес» темир йўл чегара божхона пости ходимлари томонидан ҳам бир нечта қонунбузарлик ҳолатларида тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига нукта қўйилди.

Божхона

ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАДБИРЛАР САМАРАСИ

сўмдан ортиқ бўлган 14 турдаги товар-моддий бойликлари орасида 1330 қўти тамаки маҳсулотлари ҳам борлиги аниқланди. «Parliament» номли мазкур сигаретларнинг умумий қиймати салкам 11 млн. сўмни ташкил қилар экан.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, акциз маркарисиз ёхуд бошқа давлатларнинг акциз ёрлиғига эга бўлган тамаки маҳсулотларини юртимизга ноқонуний равишда олиб киришга уринишлар кўпроқ қўшни Қирғизистонга туташ чегарадош ҳудудларда кузатишмоқда.

лантирувчи давлат тилидаги эслатмалар ҳам мавжуд эмас.

Жумладан, Андижон вилояти Пахтабод тумани қўши давлатга туташтирувчи чегарадош ҳудудда аниқланган 7 та қонунбузарлик ҳолатида, мазкур ҳудудда ҳаракатланаётган ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар вакиллари кузатувига тушганини сезиб қолган, дуч келган томонга жуфтаникни ростлаган қонунбузарларнинг ташлаб қочишга мажбур бўлган юқлари ўрнатилган тартибда ва ҳолислар иштирокида кўздан кечирилди.

Натижада, ушбу кимсаларнинг қиймати 27 млн. сўмдан ортиқ бўлган 3 турдаги салкам 11,5 минг қўти тамаки маҳсулотларини ноқонуний равишда олиб киришга уринишгани маълум бўлди.

Рақамларга мурожаат қилсак, ўтган 2013 йил давомида республикада божхоначиларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда олиб борган чоратдбирлари натижада аниқланган 318 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати салкам 511 млн. сўмлик 209 минг қўти тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 186-моддасига биноан этил спирити, алкоғоли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказилаётган очик аукцион савдоларига тақлиф этади! Аукцион савдосига Учтепа туман СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 15 апрелдаги ЖСК-1-55-сонли ижро варақасига асосан, «Караван Холдинг» тизимидаги «Stroygorod» ЕАЖ УМ, «Концерн Карвон Стройгород» МЧЖ, «СЖ Сервис» МЧЖ, «Фаст Фуд» МЧЖ, «Стройгород Медиа» МЧЖ, «Стройгород Имкон» МЧЖ, «СЖ Проект Мастер» МЧЖ, «Карвон Сторож» МЧЖ, «СЖ Хизматчи» МЧЖ, «СЖ Хоме Делоп» МЧЖ, «СЖ Промстрой Материал» МЧЖ, «Стройгород Экспресс» МЧЖ, «Стройгород Ютуқ» МЧЖ, «Сарбон экспресс» МЧЖ, «Элите Бизнес» МЧЖга тегишли мол-мулклар мўлқий мажмуа сифатида қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2014 йил 3 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш қўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2014 йил 28 февраль куни соат 18:00.

Савдога қўйилган қўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мўмкин. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатлат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАТБ Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519.

Аукцион савдоси ўтказилаётган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

Тошкент Молия институти қошидаги Молия академик лицейи ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Зарбулоқ кўчаси, 14-уй. Тел: 262-81-11, 289-10-66.

Таълим

СОҒ ТАНДА — СОҒЛОМ АҚЛ

Пойтахтимиздаги Республика олимпия заҳиралари спорт коллежида ўқитувчилар, мураббийлар иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир ёш авлодни соғлом, баркамол қилиб тарбиялашнинг муҳим омилларига бағишланди.

Унда ёшларнинг билими, маънавияти шаклланиши учун педагоглар томонидан амалга оширилаётган вазифалар ва келгуси режалар муҳокама қилинди.

Келажагимиз пойдевори бўлган ёшларнинг мустақил ҳаётда ўз ўринларини топишлари ниҳоятда муҳим. Бунда фарзандларимизга жисмоний тарбия ва спорт яқиндан ёрдам беради. Зеро, соғ танда соғлом ақл деган ҳикматга амал қилиш муҳим эканлиги қатнашчилар томонидан яна бир қарра таъкидлаб ўтилди.

Коллеж ўқитувчилари ва мураббийлар Соғлом бола йилида амалга оширилаётган ишлар режасини ҳам белгилаб олишди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

КАСБ ЎРГАНИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

Ҳамза туманидаги 69-мактабда 9-синф битирувчиларини муҳандислик ишлов бериш ва қурилиш соҳалари билан яқиндан таништириш мақсадида «Касблар ойлиги» ўтказилди.

Шу муносабат билан ўқувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари Ҳамза қурилиш касб-хунар коллежида бўлиб, таълим муассасаси фаолияти, бу ердаги мавжуд шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Тадбирда ўқувчилар ўзлари ясаган макет, слайд ва саҳна кўринишларини ҳам намойиш этишди.

Ўқувчиларимиз ўртасида ўтказилган сўровномалар таҳлили кейинги йилларда ёшларимиз ўртасида муҳандислик ишлов бериш ва қурилиш соҳасига бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганини кўрсатмоқда, — дейди 69-мактаб касбга йўналтириш фани ўқитувчиси Шамсия Мамадиёрова. — «Касблар ойлиги»дан кўзланган мақсад ҳам ёшларимизга ўзларини қизиқтирган касблари бўйича янада кенг-роқ маълумот бериш, бу борада улардаги кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Маълумки, «Касблар ойлиги» ҳамда «Касблар ҳафталиги» тадбирлари ота-оналар, маҳалла, мактаб ва коллежлар билан ҳамкорликда ўтказиб келинмоқда. Ўз навбатида мазкур тадбирлар мактаб ўқувчиларини аниқ ва мақсадли касбга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Гулчеҳра НИЁЗОВА, «Туркистон-пресс»

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Ўзгидромет ХАБАР ҚИЛАДИ 6-8 даража илқ, кундузи 2-4 даража совуқ бўлади. 30 январда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво таълим вақти билан ёмғир ёғади, кечга бориб ёмғир қорча айланаши мўмкин. 30 январда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво таълим вақти билан ёмғир ёғади, кечга бориб ёмғир қорча айланаши мўмкин. 30 январда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво таълим вақти билан ёмғир ёғади, кечга бориб ёмғир қорча айланаши мўмкин.

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39. 2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руиҳатга олинган. Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мўмкин. Газета таҳририят компьютер маркарзиде терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Бизнинг элекрон манзил: vto2007@mail.uz. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. Нашр учун масъул Д. Исроиллов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Топшириш вақти: 13.00. Босишга топширилди: 14.40.